

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ТАВСИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

Набижонов Исломжон

Тошкент давлат юридик университети

“Оммавий ҳуқуқ” факултети 3-курс талабаси

E-mail: nabijonovislomjon04@gmail.com

+998939250099

Аннотация

Биз ушбу мақола орқали мамалакатимизда сайлов жараёнларида халқаро кузатувчиларни ўрни қанчалик муҳим ёки муҳим эмаслигини кўрсатиб ўтамиз, шунингдек, уларнинг махсус ҳисоботларида баён этилган тафсияларни кўриб чиқамиз ҳамда уларнинг сайлов қонунчилигида қанчалик жалб этилганини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, улар томонидан берилган тавсия ва таклифлар мажбурий характерга эга ёки эга эмаслигини кўрсатиб ўтамиз.

Калит сўзлар: *халқаро кузатувчилар, сайловларда очиқлик, сайлов тизимлари, сайлов қонунлари, институтсионал ўзгариши, кузатувчиларнинг ҳисоботи, тафсиялар.*

Abstract

Through this article, we will show how important or insignificant the role of international observers is in the electoral process in our country, as well as review the recommendations set out in their special reports and try to show how involved they are in electoral legislation. We will also indicate whether the recommendations and suggestions made by them are binding.

Keywords: *international observers, election transparency, electoral systems, electoral legislation, institutional change, observer report, recommendations.*

Аннотация

В этой статье мы покажем, насколько важна или незначительна роль международных наблюдателей в избирательном процессе в нашей стране, а также рассмотрим рекомендации, изложенные в их специальных отчетах, и попытаемся показать, насколько они вовлечены в избирательное законодательство. Мы также укажем, являются ли сделанные ими рекомендации и предложения обязательными.

Ключевые слова: *международные наблюдатели, прозрачность на выборах, избирательные системы, избирательное право, институциональные изменения, отчеты наблюдателей, рекомендации.*

Сайлов жараёнларини адолатли ва холис ўтказишда халқаро кузатувчиларни жалб қилиш ва ушбу жараёнларда уларни фаоллигини ошириш сайловларни адолатли ўтшининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Уларни жалб қилиш нафақат мамлакат миқёсида балки, бутун дунё миқёсида демократини рўлини кўрсатиш ва очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлган умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш тамойилларига таянган ҳолда сайлов ҳуқуқини таъминлаш, сайловларни эркин ва адолатли, очиқ ҳамда ошқора ўтказишга оид ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга,

жумладан, замонавий демократик сайлов тизимини ривожлантиришга этибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда конституциямизнинг 117-миддасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар [1]. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига эгаллиги БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ҳам белгилаб қўйилган. Унинг 21-моддаси “а” бандида “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга” [2] эканлиги ёзиб қўйилган. Худди шу мазмундаги қоида “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”да ҳам мустаҳкамланган [3].

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 8-моддаси[4]га мувофиқ сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида ҳаққаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши белгиланган.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг (бундан буён матнда халқаро кузатувчилар деб юритилади) жалб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”[5] ги қарорига мувофиқ сайлов компаниялари бошланганлиги эълон қилингандан сўнг, Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади) хорижий давлатлар сайлов органлари ва халқаро ташкилотларга Ташқи ишлар вазирлиги орқали таклифнома юборади. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар сайловларда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини изҳор этиб, Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилади. Шу орқали уларни сайлов жараёнида иштирок этиш жараёни қонуний этиб белгиланади ва сайловларда иштироки бошланади.

Хорижий кузатувчилар тўғрисидаги Низомга асосан кузатувчилар ҳокимият органларига ҳамда мансабдор шахсларга сайлов ўтказишни кузатиш натижалари бўйича ўз хулосаларини тақдим этади. Бу тавсиялар асосида сайлов қонунчилиги такомиллашади, сайлов ўтказишдаги баъзи муаммолар ҳал қилинади.

Мамлакатимизда сайлов жараёнларини қай ҳолатда амалга оширилаётганини билиш учун қуйида 2016 йилги президент сайлови ва 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари бўйича Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти(кейинги ўринларда ЕХХТ деб юритилади)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро(матнда кейинги ўринларда ДИИХБ деб юритилади)нинг сайловларни кузатиш бўйича ушбу миссиясининг якуний ҳисоботлари билан танишиб чиқамиз ва уларнинг сайлов қонунчилигимизга қанчалик имплементация қилганини ўрганамиз.

Ўзбекистонда сайлов жараёнларини шаффофлигини таъминлашда хорижий ташкилотларни жалб қилиш фаол йўлга қўйилган. Сайлов жараёнларини ЕХХТ ДИИХБ муҳим аҳамият касб этади, бу хусусида юқирда ҳам айтиб ўтдик. Ушбу ташкилот сайловлар бошланишидан маълум бир муддат олдин ташриф буюради ва йиғилиш ўтказади. Хусусан, 2016 йил 2 ноябрь Тошкентда ДИИХБ [6] расмий равишда 4 декабр куни Ўзбекистон Республикасини муддатидан олдин ўтказиладиган Президентлик сайловини кузатиш тадбирини бошлади. Тадбирнинг очилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий таклифи асосида амалга оширилди. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган сайлов жараёнининг адолатли ўтказишда муҳим рўл ўйнайди.

Биргина 2016 йил 4 декабрда ўтказилган президентлик сайлови натижалари юзасидан ЕХХТ нинг ДИИХБ нинг муддатидан олдинги ташрифи президент сайловини кузатиш учун ва жойларда сайлов жараёнларини кузатиб бориши муҳим аҳамият касб этди. Яъни, очиқ мажлислар ўтказиш ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни кечиктирмай эълон қилиш орқали МСК жараён шаффофлигига ҳисса қўшди.

<https://conferencea.org>

Мамлакатимизда 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловида ҳам ДИИХБ қатнашди ва сайловлар ЙҲХТ мажбуриятлари ва бошқа демократик сайловлар борасидаги халқаро мажбуриятлар ва стандартларга, миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганлигини баҳолади.

Қуйида ЕХХТ ДИИХБ нинг 2016 йил ва 2019 йилги сайловлар бўйича берган тавсияларини кўриб чиқамиз.

Жадвал №1[7]

№	2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган президент сайлови бўйича тавсиялар
1	Фуқаролик жамияти ташкилотлари фаолиятига қўйилган чекловларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш, камситувчи ҳуқуқий чекловлар қўйишни йўқ қилиш;
2	Асосий жиҳатлар парламент томонидан қабул қилинган бирламчи қонунлар томонидан тартибга солиниши;
3	Ўзини номзодини ўзи мустақил қўйганлар ҳам Президентликка сайланиш имкониятини берилиши;
4	Сайлов мақсадлари йўлида мансаб орқали сайлов афзалликлардан фойдаланишини олдини олиш;
5	Ҳақоратлаш тўғрисидаги жиноий қоидалар, шунингдек таҳқирлаш, ғийбат ва ёлғон ахборот тарқатишни тартибга соладиган умумий қоидалар бекор қилиниб, ўрнига фуқаролик ҳуқуқининг оқилона ва мутаносиб санкцияларни қабул қилиш;
6	ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари рўйхатга олишни рад этиш, фаолиятни тўхтатиб туриш ва ахборотни ўчириш мезонларини аниқ ва тугал қилиб белгилаш;
7	Ҳар бир сайловчи, партия, номзод ва кузатувчига шикоят билан мурожаат қилиш ва уни қайта кўриб чиқиш учун оқилона муддат белгилаш;
8	Барча босқичларида партиявийликдан ҳоли фуқаролик кузатувини аниқ белгилаб бериш;
9	Муайян гуруҳларга мўлжалланган тарғибот кампанияларини давом эттириш орқали сайлов товламачилигига қарши чора кўриш учун кучлироқ ҳаракат қилиш;
10	Қуйи поғонадаги комиссияларга қадам-бақадам йўриқнома ишлаб чиқиш.

Жадвал №2[8]

№	2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайлови бўйича тавсиялар
1	Партияларни рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ чекловчи ёки камситувчи ҳуқуқий чекловларни бартараф этилиш;
2	Номзодларга қўйиладиган истикомат муддати талабини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиш;
3	Партия ва номзодларни ўзига хос кампания стратегиясини ва услубини белгилашига имкон бериш;
4	Медиа соҳасидаги қонунчилик қайта кўриб чиқилиш;
5	Мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириш имконияти берилиш;
6	Дастлабки ва якуний натижаларни сайлов куни ўтиши билан иложи борида тезроқ чоп этиш;

7	Овоз бериш жараёнининг ишончилигини ошириш ҳамда кўп маротаба овоз бериш таҳдидини камайтириш учун сайлов участкасида сайловчиларни рўйхатга олмаслик масаласини кўриб чиқиш;
8	Такрор, бошқалар номидан ва гуруҳ бўлиб овоз бериш амалиётига чек қўйиш;
9	Сайлов натижаларни атайлаб сохталаштирган шахсларга нисбатан қатъий қонуний чоралар кўриш;
10	Сайловолди ташвиқоти даврида ўтказиладиган йиғилишларнинг барча амалий жиҳатини тартибга солувчи қонун қабул қилиш;
11	БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишни масаласини ўйлаб кўриш;
12	Суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилган инсонларнинг сайлаш ҳуқуқига чекловни қайта кўриб чиқиш;
13	Сайлов маъмуриятининг мустақиллигини кучайтириш учун МСКга очиқ ва рақобатдаги жараён орқали танланган округ сайлов комиссияси ва участка сайлов комиссияси аъзоларини тўғридан тўғри тайинлаш ҳуқуқини бериш;
14	МСК овозларни санаб чиқиш ва натижани жадвал шаклига келтириш билан боғлиқ қоидаларни тасдиқлаган мажбурий қарор қабул қилиш;
15	Барча жараёнларни ижрочилар тушуниб олишлари учун МСК йўриқномаларни ҳамда кўргазмаларни материалларни ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш;
16	Сайлов участкаларида ваколати бўлмаган бегона шахсларнинг туришига қарши қатъий чора кўриш;
17	Муддатидан олдин овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш учун, масалан, икки конверт тизимини татбиқ этиш.

Демак, ЕХХТ ДИИХБ 2016 йилги президентлик сайловлар юзасидан ўзининг 12 та тавсияларини бериб ўтди ва улардан 4 таси 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодексига киритилди. 2019 йилги парламент сайловлари юзасидан ҳам 17 та таклиф ва тавсиялар берилди ва улардан 8 таси Сайлов кодексига ўзгариш сифатида киритилди. Юқорида иккита жадвал орқали кўрсатиб ўтилганларнинг барчаси сайлов жараёнларини келгусида юқори савияда ўтказилиши ҳамда демократияни кучайтириш, очиқлик ва шаффофликни оширишни таъминлайди.

2016 ва 2019 йилги сайловларда ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар орасидаги фарқли томонларини кўрсатиб ўтамиз. 2016 йилги президент сайловида, **биринчидан**, энг асосий жиҳатлар парламент томонидан қабул қилинган бирламчи қонунлар томонидан тартибга солиниши, **иккинчидан**, ўзини номзодини ўзи мустақил қўйганлар ҳам президентликка сайланиш имкониятини бериш, **учинчидан**, сайлов мақсадлари йўлида мансаблари орқали сайлов афзалликлардан фойдаланишини олдини олиш, **тўртинчидан**, ҳақоратлаш учун бериладиган жиноий жавобгарликни фуқаролик жиноятига алмаштириш, **бешинчидан**, ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари рўйхатга олишни рад этиш, фаолиятни тўхтатиб туриш ва ахборотни ўчириш мезонларини аниқ ва тугал қилиб белгилаш каби таклифлар киритилан бўлса, 2019 йилги парламент сайловида эса бир қатор таклифлар берилди. **Биринчидан**, Номзодларга қўйиладиган истиқомат муддати талабини бекор қилиш, **иккинчидан**, партия ва номзодларни ўзига хос кампания стратегиясини ва услубини белгилашига имкон бериш, **учинчидан**, суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилган инсонларнинг сайлаш ҳуқуқига чекловни қайта кўриб чиқиш, **тўртинчидан**, МСК овозларни санаб чиқиш ва натижани жадвал шаклига келтириш билан боғлиқ қоидаларни тасдиқлаган мажбурий қарор қабул қилиш таклифлари киритилди.

Шу ўринда 2016 йилги президент сайлови юзасидан ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар асосида Сайлов кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, кодекснинг 44-моддаси [9] нинг сўнги қисмига сайлов мақсадлари йўлида мансаблари орқали сайлов

афзалликлардан фойдаланиш тақиқланди. 35-моддасига муовфиқ ОАВ фаолиятини тартибга солувчи МСК нинг низоми [10] қабул қилинди. Ҳар бир сайловчи, партия, номзод ва кузатувчига шикоят билан муурожаат қилиш ва уни қайта кўриб чиқиш учун оқилона муддат белгилаш тартиби 102-моддасида [11] ўз аксини топди.

2019 йилги сайлов юзасидан **ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар асосида 33-модда олтинчи қисм[12], 46-модданинг бешинчи қисм, 47-модда, 57-моддаларига ўзгариш сифатида киритилди.** ЕХХТ **ДИИХБ** Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг 2019 йил 22 декабрдаги Парламент сайловлари бўйича якуний ҳисоботида берилган “такрорий муурожаатлар ва қарама-қарши қарорлар қабул қилинишининг олдини олиш мақсадида муурожаатларни иккита органга бериш тизимини қайта кўриб чиқиш ва устувор равишда шикоятлар фақат судларга берилиши лозим”лиги ҳақидаги тавсиялар ҳам муҳим аҳамият касб этди [13]. Шунингдек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган инсонпарвар ислоҳотларга ҳамоҳангдир.

Академик Акмал Холматович Саидовнинг сайлов жараёнларини адолатли ташкил этиш масаласидаги фикрлар қуйидагича: “Янги Ўзбекистоннинг замонавий сайлов тизими яратилиши кўп йиллик эволюцион жараён ва ҳар томонлама сиёсий мулоқот маҳсулидир. Умуман олганда, сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб ўзгаришлар киритилди. Ҳар бир, ҳаттоки, кичик бир ўзгариш киритишда ҳам доим пухта иш олиб борилди, ўтган сайлов кампаниялари таҳлил қилинди ҳамда таҳлиллар асосида қонунчиликни такомиллаштириш бо‘йича таклифлар ишлаб чиқилди” [14].

Шу ўринда савол туғилади, биз ДИИХБ берган тафсияларни қонунчилигимизда акс эттиришга мажбурмизми ёки мажбурий эмасми? ДИИХБ томонидан берилган тафсиялар бизга нима беради?

“Ҳисоб-китоб жараёнининг ўз қоидалари мавжуд. Аммо бу қоидаларга ҳурмат билан муносабатда бўлинмади. Камчиликлар ҳақида кузатувчиларимиз керакли кўрсатмаларни беришган. Лекин салбий хулоса ўз ўрнида қолмоқда. Мен ўзим ўнта участкада бўлиб кузатдим. Шунинг ўзи ҳам умумий манзара ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун етарли бўлди. Бир-иккита жойда бўлган хатолар бошқа участкаларда ҳам такрорлангани табиий”, – дейди ЕХХТ махсус координатори Георгий Тсеретели [15].

Шунингдек, ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар аъзо давлатлар учун тавсийвий аҳамиятга эга бўлиб, улар давлатларга маслаҳат бериш орқали сайлов жараёнларини ривожлантиришни мақсад қилган. Унинг берган тавсиялари ҳар қайси давлат қонунчилигига тўғри келмаслиги мумкин. Мисол учун, Ҳақоратлаш тўғрисидаги жиноий қоидалар, шунингдек таҳқирлаш, ғийбат ва ёлғон ахборот тарқатишни тартибга соладиган умумий қоидалар бекор қилиниб, ўрнига фуқаролик ҳуқуқининг оқилона ва мутаносиб санксиялари қабул қилиниш ҳалигача қабул қилинмади, бунга сабаб бизнинг қонунчиликка ва инсон шаънига тўғри келмай қолади. Агар фуқаролик жавобгарлигига алмаштирилса, инсон шаъни, кадр-қиммати топлаши мумкин, шунинг учун қонунчиликка ўзгартириш киритилмади.

Шунингдек, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсиясини ратификатсия қилишни масаласи ҳам нозик масала ҳисобланади. У ҳалигача ратификатсия қилинмади, чунки биз унга ҳали тайёр эмасмиз. Улар томонидан берилган ҳар қайси тавсия қонунчиликка киритилавериши мантиқий жиҳатдан ҳам тўғри келмас экан.

Демак, Георгий Тсеретелининг юқорида келтирган фикрларидан ҳамда юқоридаги статистикадан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, улар томонидан берилган тавсиялар ихтиёрий ҳисобланади. ДИИХБ тавсиялар беради, биз уни қабул қилишимиз ихтиёрий ҳисобланади. У томонидан чиқарилган тавсия ва таклифлар аъзо давлатлар учун маслаҳат маъносида берилади. Агар у томонидан берилган тавсиялар мажбурий бўлганда, уларнинг ҳаммаси бизнинг қонунчилигимизда аск эттирилиши керак эди, аммо биз уларни ҳаммасини киритмаганмиз. Уларни барчасини қабул қилмаслик ҳеч қандай жавобгарликка олиб келмайди.

Лекин шунга алоҳида эътибор қаратишимиз керакки, ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар сайлов жараёнида демократияни таъминлаш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Савлов жараёнларида демократияни таъминлаш энг муҳим фактор ҳисобланади, буни таъминламай туриб ҳеч қачон асосий мақсадга етиб бўлмайдидейди, - Абдул Қаҳар Сарвари [16]. Кубеск Ж.Е, Делл Н.Д, Ҳаслетт Т.К, Даниел М.А [17] томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёши катта одамларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши ёши кичикларга нисбатан камроқни ташкил этар экан, улар ўзларининг ўрнига ҳам фарзандлари ёки яқинларини овоз бериб келишни илтимос қилишар экан.

Сайлов жараёнларига киритилган муҳим янгиликлардан бири, сайлов бошланишидан бир кун олдин ташвиқотларни тўхтатиш белгиланди. Ушбу кунда сайловчилар ўзқарашларини, сиёсий эҳтиёжларини аниқлаштириб олиш ҳамда ким ва қайси сиёсий партия учун овоз беришда онгли равишда қарорга келишлари учун қўшимча вақт бериш мақсадида киртилди. Бундай ҳолат, шунингдек, овоз бериш олдиндан турли хил суиистеъмолликлар ва қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида киртилди [18].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан, ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар аъзо давлатлар учун мажбурий эмас. Чунки улар томонидан берилган тавсиялар ва таклифлар тафсиявий аҳамият касб этади. 2016 йилги сайловлардан сўнг ДИИХБ 12 та тавсия берди. Шундан тўрттаси сайлов қонунчилигимизга киритилди. Улар ичидан энг муҳими ОАВ рўлини ошириш ҳисобланади, чунки у орқали очиқлик ва шаффофлик таъминланади. Менинг фикримча, барча босқичларида партиявийликдан ҳоли фуқаролик кузатувини кучайтириш муҳим ҳисобланади, чунки уларнинг фаоллигини ошириш орқали сайлов жараёнларида қонунбузарликларини олди олинади.

Шунингдек, сайлов амалиётида кўп учрайдиган такрор, бошқалар номидан ва гуруҳ бўлиб овоз бериш амалиётига чек қўйиш керак, чунки ҳар ким ўзининг мустақил фикрини инобатга олган ҳолда овоз бериш керак. Овозларни санаб чиқиш ва натижани жадвал шаклига келтириш тизимини такомиллаштириш керак, яъни ушбу жараёнлар кузатув камералари остида амалга ошириш керак.

Иккинчидан, бир нарсага алоҳида урғу бериб ўтишимиз керакки, ДИИХБ сайловларни кузатиш соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳар йили бюро ЕХХТ минтақасида ўтказилаётган сайловлар доирасидаги мажбуриятлар, халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар сафарбарлигини мувофиқлаштиради. Унинг ноёб методологияси сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ДИИХБ аъзо давлатларга сайлов пойдеворини мустаҳкамлашга кўмак беради. Шундай экан, ДИИХБ сайлов жараёнларини адолатли ва шаффоф ўтишини таъминловчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Учинчидан, ДИИХБ томонидан берилган тавсиялар мамлакатимизда сайлов жараёнларида юзага келган муоммоларни ўз вақтида бартараф этиш ва келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик имконини беради. Юқорида санаб ўтилган бир қатор камчиликларни бартараф этиш орқали адолатли ва холис ишлайдиган сайлов тизимига эга бўлиш имконини беради. Хусусан, ДИИХБ томонидан берилган сайлов участкаларига ваколати бўлмаган бегона шахсларнинг туришига йўл қўймаслик ҳақидаги тавсиялари ўринли ҳисобланади.

Тўртинчидан, шаффофликни ошириш мақсадида ва ЕХХТ мажбуриятларига риоя қилган ҳолда, қонунлар асосида сайлов жараёнининг барча босқичларида назорат қилиш ва кузатувини аниқ белгилаб олиш лозим. Айниқса, дастлабки ва якуний натижаларни сайлов куни ўтиши билан иложи борица тезроқ эълон қилиш ортиқча қонунбузарлик ҳолатларини олдини олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/670/0089-сон, // <https://www.lex.uz/ru/docs/-20596#-39943>
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: “Адолат”, – 2004. – Б. 34
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: “Адолат”, - 2004. – Б. 54
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон; 31.05.2021-й., 03/21/691/0508-сон // <https://lex.uz/docs/-4386848#-4389754>

<https://conferencea.org>

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси сайловларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорига 1-ИЛОВА // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.09.2019-й.,938-сон // <https://lex.uz/docs/-4540270#-4540560>
6. The official website of the organization of the session cooperation in Europe (Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти) // <https://www.osce.org/uz/odihr/yelections/278761>
7. ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссия Якуний ҳисобот. Варшава. 2017. – Б. 25-29
8. ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссия Якуний ҳисобот. Варшава. 2020. – Б. 31-36
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон; 31.05.2021-й., 03/21/691/0508-сон // <https://lex.uz/docs/-4386848>
10. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019-й., 952-сон; // <https://lex.uz/docs/-4549525#-4550060>
11. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 31.05.2021-й., 03/21/691/0508-сон; // <https://lex.uz/docs/-4386848#-4388364>
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси , 09.02.2021-й., 03/21/670/0089-сон // <https://lex.uz/docs/-4386848?ONDATE=26.06.2019%2000#-4388410>
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси расмий сайти. 2019-йил 22-декабр Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутатлигига сайлов.// <https://saylov.uz/oz/docs/2019-jil-22-dekabr-ozbekiston-respublikasi-olij-mazhlisi-qonunchilik-palatasi-deputatligiga-sajlov>
14. Халқ сўзи газетаси. “Сайлов — 2021”: сайлов қонунчилигининг ривожланиш босқичлари. 2021. <https://xs.uz/uz/post/cajlov-2021-sajlov-qonunchiligining-rivozhlanis'h-bosqichlari>
15. The official website of the organization of the session cooperation in Europe (Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти) available from < <https://www.oscepa.org/ru/novosti-i-multimedia/press-relizy/press-2019/osce-pa-to-deploy-first-ever-election-observation-mission-to-uzbekistan>
16. Sarwari A.Q. Afghanistan Organization for Research and Consultation. Assessment of Factors Affecting Electoral Processes in Afghanistan(AORC). 2018. Available from < https://www.researchgate.net/publication/332187183_Assessment_of_Factors_Affecting_Electoral_Processes_in_Afghanistan
17. Кубеск, Ж. Е., Делл, Н. Д., Ҳаслетт, Т. К., & МсДаниел, М. А. (1996). Доес Жоб-Релатед Траининг Перформансе Деслине Витх Аге? Псйчологй анд Агинг, 11, пп. Қаранг 92-107.
18. Қаранг: Якубов. Ш. У. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ва миллий сайлов қонунчилиги. – Т.: Ўзбекистон, 2016, – Б. 50.